


«ТАСДИҚЛАНГАН»

АТБ «InFinBank»

Кенгаши Ранси

Давозими
А.Н. Ахмаджонов


Ф.И.Ш.
Имзо

Сана

(АТБ «InFinBank» Кенгаши
Баённомаси

№ 69 «12 10 2022 й.)

АТБ «InFinBank»
Бошқаруви Ранси

Б.Н. Бурханов



(АТБ «InFinBank» Бошқарув
Баённомаси

№ 112 «12 10 2022 й.)

Рўйхатдан ўтказилган:

№ ДСК № 14 «12 10 2022 й.

ЧЕТ ЭЛ КАПИТАЛИ ИШТИРОКИДАГИ
«INVEST FINANCE BANK»
АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ
АХБОРОТ СИЁСАТИ ТҮҒРИСИДА НИЗОМ
ДСК № 14

Хужжат АТБ “InFinBank”нинг мулки хисобланади. Сифат бўйича раҳбарият вакили билан олдиндан келишилмаган ҳолда мазкур хужжат матни бутулигича ёки кисмлар бўйича қайта нашр қилиниши ёхуд Банк ходими хисобланмаган учинчи шахсларга берилиши мумкин эмас.

Хар кандай ўзгартишлар мазкур хужжатнинг аслига ва факат назорат қилинадиган нусхаларига киритилади.

МУНДАРИЖА

Үзгартышларни қайд этиш вараги 4

1. МАҚСАДЛАР.....	5
2. ҚҮЛЛАНИЛИШ СОҲАСИ.....	5
3. ҲАВОЛАЛАР	5
4. АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР	5
5. ЖАВОБГАРЛИК.....	6
6. АХБОРОТНИ ОШКОР ҚИЛИШ.....	6
7. САҚЛАШ.....	9
9. ТАРҚАТИШ	10

2-сон таxрир

Тасдиқланган: 12/10/2022Амал килиш муддати: 11/10/2027

10 та саxифанинг 3-бети

Үзгартышларни кайд этиш вараги

Үзгартышлар мазмунини киритиш	Тасдиқланган	Амалга киритилган	Хужжатларни бошқариш учун масъул шахс имзоси

1. МАҚСАДЛАР

- 1.1. Мазкур Низом мақсади акциядорлар, инвесторлар, кимматли когозлар бозорининг профессионал иштирокчилари ва бошқа манфаатдор шахслар (бундан буён матида – “манфаатдор шахслар”)нинг АТБ “InFinBank” (бундан буён матида – “Банк”) ва унинг фаолияти түгрисида ишончли маълумотлар олиш бўйича ахборот эҳтиёжларини қондириш орқали Банк фаолиятининг очиклиги ва шаффоғлигини таъминлашдан иборат.
- 1.2. Мазкур Низом манфаатдор шахсларнинг улар томонидан инвестициявий ва бошқарув карорлари кабул қилиниши учун муҳим ҳисобланган Банк ва унинг фаолияти түгрисида шубҳасиз тўғри ахборот олиш хуқукларини тўлиқ амалга оширишга, шунингдек Банк түгрисидаги маҳфий ахборотни химоя килишга йўналтирилган.
- 1.3. Ахборотнинг тижорат сирига киритилиши, ундан фойдаланиш тартиби ва шартлари Банк томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Тижорат сири түгрисида”ги Конунига ва бошқа конун хужжатларига мувофиқ белгиланади.
- 1.4. Мазкур Низом мажбурий ошкор килинадиган ахборот ва хужжатлар рўйхатини белгилайди, шунингдек, уларнинг Банк томонидан тақдим қилиниш тартиби ва муддатларини тартибга солади.

2. ҚЎЛЛАНИЛИШ СОҲАСИ

- 2.1. Мазкур Низом талаблари Банкнинг барча бўлинмаларига жорий килинади.

3. ҲАВОЛАЛАР

- 3.1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини химоя килиш түгрисида” ва “Кимматли когозлар бозори түгрисида”ги Конунлари, Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти түгрисида”ги Конуни, Ўзбекистон Республикасининг “Тижорат сири түгрисида”ги Конуни, Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 02 июлдаги “Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар түгрисида”ги 176-сон карори, Кимматли когозлар бозорида ахборотни тақдим қилиш ва эълон қилиш қондалари (Адлия вазирлигига 2012 йил 31 июнда 2383-сон билан рўйхатга олинган), Акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича комиссиянинг 2015 йил 31 декабрдаги йигилишида 9-сон баённома билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодексига мувофиқ ишлаб чиқилган.

4. АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР

- 4.1. Мазкур Низомда куйидаги тушунчалар ва ифодалардан фойдаланилган:
 - 4.1.1. **Ахборот** – Банк учун қийматта эга актив бўлиб, у тегишли равишда химоя қилиниши керак.
 - 4.1.2. **Корпоратив веб-сайт** – Банк расмий веб-сайти: www.infinbank.uz.
 - 4.1.3. **Банк Кенгаши** – Банк фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конун хужжатлари ва Банк Уставида Банк акциядорлари умумий йигилиши ваколатига киритилган масалаларни ҳал қилиш

бундан мустасно. Банк Кенгаши ваколатига Банк фаолиятининг стратегик йўналишларини белгилаш, молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш, самарали ички назорат тизимини ташкил қилиш ва фаолиятини амалга ошириш, акциядорлар хуқуклари амалга оширилишини тъминлаш, шунингдек ижро органлари фаолиятини назорат қилишни амалга оширади;

- 4.1.4. **Банк Бошқаруви** – Банкнинг жорий фаолиятига раҳбарликни амалга оширадиган, Банк акциядорлари умумий йигилиши ва Банк Кенгаши томонидан белгиланадиган Банк максадлари, стратегиялари ва сиёсатини амалга ошириш учун масъул бўлган Банкнинг коллегиал ижро органи;
- 4.1.5. **Мухим фактлар** – Банк молия-хўжалик фаолиятида ёки корпоратив харакатларида юз берган, акциялар кийматига ёки улар бўйича даромад миқдорига таъсир этиши мумкин бўлган ўзгаришлар.

5. ЖАВОБГАРЛИК

- 5.1. Банк корпоратив веб-сайтида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 02 июлдаги “Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 176-сонли Қарорида рўйхати белгиланган ахборотнинг ошкор килиниши учун Маркетинг ва реклама департаменти жавобгар бўлади.
- 5.2. Ўзбекистон Республикаси “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонуннинг 44-моддасида назарда тутилган ахборотнинг тўғрилиги ва ўз вактида ошкор килиниши учун жавобгарлик Банк корпоратив консультантига юклатилади.
- 5.3. Таркибий бўлинмалар, шунингдек керакли ахборотнинг ўз вактида ошкор килиниши, шунингдек тегишли ахборотнинг Маркетинг ва реклама департаментига келгуси ошкор килиниши максадида тақдим қилиниши учун масъул шахслар рўйхати Банк Бошқаруви Раисининг алоҳида буйргуи асосида белгиланади.
- 5.4. Банк Бошқаруви Раиси ва унинг ўринбосарларидан ташкари, бошқа шахслар Банк номидан сўзлашга ҳакли эмас. Бунда, Банк Бошқаруви Банк фаолияти тўғрисида асосли ахборотнинг ўз вактида ошкор килинишини ташкиллаштириш учун жавобгар бўлади.
- 5.5. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор шахслар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатлари ва Банк ички меъёрий хужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

6. АХБОРОТНИ ОШКОР ҚИЛИШ

Асосий тамойиллари

- 6.1.1. Ахборотни ошкор қилишнинг асосий тамойиллари ахборот ресурсларининг доимийлиги, оперативлиги, фойдаланиш имконияти мавжудлиги, тўликлиги, тенг хуқуклилиги, мувозанатланганлиги, ҳимояланганлигидан иборат.
- 6.1.2. Доимийлик тамойили Банк томонидан манфаатдор шахсларга доимий асосда Банк тўғрисида ахборотнинг тақдим қилинишига йўналтирилган.
- 6.1.3. Оперативлик тамойили Банк кисқа муддатларда манфаатдор шахсларни Банк молия-хўжалик фаолиятига таъсир этадиган, шунингдек унинг манфаатларига дахл киладиган мухим воеалар ва фактлар тўғрисида хабардор қилишини англатади.
- 6.1.4. Фойдаланиш имконияти мавжудлиги тамойили остида Банк ўз фаолияти тўғрисида ахборот тарқатишнинг манфаатдор шахсларнинг ошкор килинадиган

ахборотдан эркин, қийинчиликсиз ва танловсиз фойдаланишини таъминлайдиган каналлар ва усууллардан фойдаланилиши тушунилади.

- 6.1.5. Тўлиқлик тамоилии Банк барча манфаатдор шахсларга фаолиятга мувофиқ, бунда Банк тўғрисида, Банк фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ тасаввурни шакллантириш имконини берадиган ҳажмда ўзи ҳакида салбий ахборотни ошкор килишдан бош торгмаган ҳолда, ахборот тақдим қилишини англатади.
- 6.1.6. Тенг хукуклик тамоилии Банк барча манфаатдор шахсларга Банк фаолияти тўғрисида ахборот олишда ва ундан фойдаланишда тенг хукуқларни таъминланишини англатади.
- 6.1.7. Мувозанатланганлик тамоилии Банк очикилги ва шаффофлиги ҳамда унинг тижорат манфаатлари таъминланиши ўртасида оқилона мувознатга риоя килинишини назарда тутади. Бунда, қуйидагилар мажбурий шартлар хисобланади:
- а) махфий ахборотни ҳимоя килиш;
 - б) конун хужжатлари ва Банк ички меъёрий хужжатларида белгиланган инсайдерлик ахборотини тарқатиш ва ундан фойдаланиш коидаларига риоя килиш.
- 6.1.8. Ҳимояланганлик тамоилии тижорат, банк сирини ёки бошқа сирни ўз ичига олган ёки махфий ахборот хисобланган ахборотни конун хужжатларида рухсат берилган ҳимоя килиш усууллари ва воситаларидан фойдаланишни назарда тутади.

6.2. Конун хужжатларига мувофиқ мажбурий ошкор қилинадиган ахборот рўйхати, уларни ошкор қилиши муддатлари ва тартиби

- 6.2.1. Банк Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини ҳимоя килиш тўғрисида” ва “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги конунлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 02 июлдаги “Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошкарув тизимини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги 176-сон қарори, Қимматли қоғозлар бозорида ахборотни тақдим қилиш ва эълон қилиш коидалари (Адлия вазирлигига 2012 йил 31 июлда 2383-сон билан рўйхатта олинган) ва бошқа конун хужжатларида белгиланган ҳажмларда, муддатларда ва усуулларда мажбурий ошкор қилинадиган ахборотни ошкор киласди.
- а) Ахборотнинг мажбурий ошкор қилиниши қуйидагилар оркали амалга оширилади;
 - б) Ягона корпоратив ахборот порталида (қимматли қоғозлар бозорини тартибга келтириш бўйича ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтида;
 - в) фонд биржаси расмий веб-сайтида (www.uzse.uz);
 - г) Банк корпоративвеб-сайтида;
 - д) Оммавий ахборот воситаларида.
- 6.2.2. Қимматли қоғозлар бозорини тартибга келтириш бўйича ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтида ёки фонд биржаси расмий веб-сайтида мажбурий ошкор қилинадиган ахборотни ўз ичига олган хужжатлар қуйидагилардан иборат:
- а) қимматли қоғозлар эмиссияси проспекти (қимматли қоғозлар оммавий жойлаштирилган ҳолатда);
 - б) Банкнинг йиллик ҳисботи, шу жумладан Халкаро молиявий ҳисбот стандартларига мувофиқ тузилган йиллик ҳисботи;
 - в) йилнинг биринчи чораги, биринчи ярим йиллиги ва тўқиз ойи якунлари бўйича ҳисбот;

- г) Банк фаолиятидаги муҳим факт түгрисида хабарнома.
- 6.2.3. Банк юкорида қайд этилган ахборотни Қимматли қоғозлар бозорида ахборотни тақдим килиш ва эълон қилиш қондадарида (Аддия вазирлигида 2012 йил 31 июлда 2383-сон билан рўйхатга олинган) белгиланган муддатларда, тартибда ва шаклда ошкор қиласди.
- 6.2.4. Қимматли қоғозлар фонд биржасининг биржа котировка варагига киритилган ва (ёки) котировка варагига бўлган ҳолатда, Банк барча керакли ахборотни Биржа бюллетени түгрисидаги Низом талабларига мувофиқ ошкор қиласди.
- 6.2.5. Банк корпоратив веб-сайтга эга (www.infinbank.uz) ва унда Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 02 июлдаги “Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини янада тақомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар түгрисида”ги 176-сон Қарорида рўйхати белгиланган ахборот ошкор қилинишини таъминлайди.
- 6.2.6. Оммавий ахборот воситаларида қуйидаги ахборот мажбурий ошкор қилинади:
- а) Акциядорлар умумий йигилиши түгрисида хабарнома;
 - б) жойлашган манзил (пошта манзили) ва электрон почта манзили ўзгарганлиги түгрисида билдириш хати;
 - в) Банкнинг имтиёзли хуқукка эга акциядорларига акциялар ёки акцияларга конвертация қилинадиган эмиссион қимматли қоғозларни харид қилиш тақлифи;
 - г) Банк томонидан акцияларни сотиб олиш түгрисида ахборот;
 - д) Банкнинг тутатилиши, шунингдек унинг кредиторлари томонидан талабномалар бериш тартиби ва муддати түгрисида ахборот.
- 6.3. **Кўшимча ахборотни ошкор қилиши рўйхати ва тартиби**

- 6.3.1. Банк манфаатдор шахслар учун кулай бўлган инглиз, рус тили ва бошқа тилларда сайт версияларини ташкил қилиш, уларда тегишли тилга таржима қилинган давлат тилидаги барча ахборотни жойлаштириш орқали расмий веб-сайт тақомиллаштирилишини таъминлайди.
- 6.3.2. Банк ўз расмий веб-сайтида қуйидаги кўшимча ахборотни ошкор қиласди:
- а) Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига амал қилиш мажбуриятларини қабул қилиш ва унга риоя қилиш түгрисидаги ахборот;
 - б) Банк Бошқаруви аъзолари түгрисида маълумотлар, шу жумладан уларнинг Банк тизимида ишлаш давридаги маълумотлари;
 - в) Банк устав фондида акцияларнинг 20 фоизидан кўпрогига эга акциядорлар түгрисида ахборот;
 - г) тақлиф қилинадиган соф фойда тақсимланиши, дивиденdlар миқдори асослари, уларнинг Банк дивиденdlарини тўлаш сиёсатига мувофиқ баҳолаш, шунингдек, зарур ҳолларда, соф фойданинг муайян кисмини Банкни ривожлантириш эҳтиёжларига йўналтириш ҳажмларини изоҳлаш ва иқтисодий жиҳатдан асослаш;
 - д) хайрия (хомийлик) ёки бегараз ёрдам кўрсатилиши (олиниши) тартиби, шартлари ва тегишли қарорлар қабул қилиниши түгрисида, шунингдек амалда кўрсатилган (олинган) хайрия (хомийлик) ёки бегараз ёрдам түгрисида ахборот.
- 6.3.3. Банк ахборотни ошкор қилиш учун қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа манбаларда ҳам ахборот ошкор қилинишини таъминлайди.

6.4. Банк бошқарув органлари аъзолари, мансабдор шахслари, ходимлари ўртасида манфаатдор шахслар билан ахборот алмашинув тартиби

- 6.4.1. Банк бошқарув органлари аъзолари, мансабдор шахслари, ходимлари ўртасида манфаатдор шахслар билан ахборот алмашинув учун Банк ахборот алмашинувини амалга оширадиган масъул ходимни тайинлайди.
- 6.4.2. Манфаатдор шахсларнинг мазкур Низомда назарда тутилган ахборотни тақдим килиш түгрисида ёзма (электрон) талабномаси бўйича масъул ходим, агар конун хужжатларида бошқа муддат белгиланмаган бўлса, бир хафта мобайнида барча керакли ахборотни электрон шаклда тақдим киласди.
- 6.4.3. Акциядорлар Банк ёки унинг фаолияти түгрисида хизмат, тижорат, банк сирини ёки конун билан муҳофаза қилинадиган бошқа сирни ўз ичига олган ахборотни ошкор қилишга ҳақли эмас.

7. САҚЛАШ

- 7.1. Мазкур Низомнинг асл нусхаси Банк Юридик департаменти Методология бўлимида ДСК № 4 -ракам билан сакланади. PDF форматидаги электрон нусхаси фойдаланиш учун умумий серверда сакланади. Мазкур Низомнинг DOCX форматидаги электрон нусхаси хужжатни ишлаб чиқувчида ва Юридик департаменти методология бўлимида сакланади.

8. ХУЛОСА

- 8.1. Ахборотнинг ўз вактида, сифатли, ишончли ва тўлик ошкор қилиниши Банк Бошқарув фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезонларидан бири ва мукофот пуллари (бонуслар) тўлаш шарти хисобланади.
- 8.2. Мазкур Низом белгиланган тартибда Банк Кенгаши томонидан тасдикланган санадан эътиборан кучга киради.
- 8.3. Агар мазкур Низомнинг айрим моддалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конун хужжатларига ва/ёки Банк Уставига зид келса, ушбу моддалар ўз кучини йўқотади ва ушбу моддалар билан тартибга солинадиган масалалар юзасидан, мазкур Низомга тегишли ўзгартишлар киритиладиган пайтгача Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конун хужжатлари ва/ёки Банк Устави нормаларига амал қилиниши керак.

2-сон таҳрир Таасиқланган: 12 / 10 / 2022 Амал килини муддати: 11 / 10 / 2027 10 та саҳифанинг 9-бети

9. ТАРҚАТИШ

Бўлнималар бўйича ҳужжатларни тарқатиш рўйхати			Тўлдирилган сана:
			“12” 10 2022 йил
ДСК № 14	2-сон таҳрир	Амалга киритилган сана: “12” 10 2022 йил	
Тарқатиладиган ҳужжатнинг номи			ЧЕТ ЭЛ КАПИТАЛИ ИШТИРОКИДАГ «INVEST FINANCE BANK» АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ АХБОРОТ СИЁСАТИ ТҮ҆РСИДА НИЗОМ
t/r	Ҳужжат тарқатиладиган бўлинма номи/ мансабдор шахснинг исм-шарифи		
1			
2			
3			
4			
5			
6			
7			
8			
9			
10			
Ишлаб чикувчи имзоси		Методология бўлими бошлиғи	

10. ТАНИШИБ ЧИҚКАНЛИКНИ ҚАЙД ЭТИШ ВАРАГИ

t/r	Ф.И.Ш.	Лавозими	Танишиб чиқилган сана	Имзо

2-сон таҳир Тасдиқланган: 12/10/2022 Амал килиш муддати: 11/10/2027 10 та саҳифанинг 10-бети

КЕЛИШИЛГАН:

О.Л.Нуманова

Ф.И.Ш.



«12» 10

2022 й.

ИМЗО

П.Т.Салимов

Ф.И.Ш.


«12» 10

2022 й.

ИМЗО

Б.С. Джураев

Ф.И.Ш.



«12» 10

2022 й.

ИМЗО

Д.М.Хожиев

Ф.И.Ш.


«12» 10

2022 й.

ИМЗО

А.А.Имамов

Ф.И.Ш.



«12» 10

2022 й.

ИМЗО

Р.А.Каримов

Ф.И.Ш.



«12» 10

2022 й.

ИМЗО

А.У.Режаматов

Ф.И.Ш.


«12» 10

2022 й.

ИМЗО

Хужжатнинг амал килиш муддати:

2022 йил 12 10 дан 2027 йил 11 10 гача.

Узайтирилган: 20 __ йил " __ " __ гача.

Амал килиш муддати тугаганидан кейнинг мақоми: _____

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Банк корпоратив
консультантин

Лавозими

Ш.Ш.Мухаммедов

Ф.И.Ш.

Имзо

Сана

«__» ____ 2022 й.

Хужжат нусхаси раками: _____

Тарқатилаган сана: "__" ____ 2022 й.

(хужжатни тарқатишда хужжатни
бошқариш учун масъул шахснинг асл
имзоси)

Сана

Хужжатни бошқариш учун масъул шахс имзоси

ЮРИДИК ХУЛОСА

Юридик Департамент томонидан «Чет эл капитали иштирокидаги «INVEST FINANCE BANK» акциядорлик-тижорат банки ахборот сиёсати тўғрисида низом» лойихасининг хуқукий экспертизаси ўтказилди.

Ушбу лойиха Ўзбекистон Республикаси «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Конуни ва бошқа меъёрий хужжатларга мувофик ишлаб чиқилган.

Ушбу лойиха Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг «Марказий банкнинг тижоратбанкларининг ички меъёрий хужжатлариiga кўйиладиган талаблари тўғрисида Низом» (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг рўйхатдан ўтказилишини 05.04.2000 йил 916 -сонли талаблари) нинг талабларига жавоб беради.

Юридик Департаменти Дириектори в.б.



Ж.М. Атамирзаев